

# ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎДСИН!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил  
1 январь  
ШАНБА  
№ 1  
(12.325)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!  
Қадрли дўстлар!  
Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз азизларни, бугун Ўзбекистон халқини кутлуғ қадами билан юртимизга кириб келаётган янги – 2011 йил билан самимий муборакбод этиш ва энг эзгу тилаklarини билдиришдан бахтиёрман.  
Айни шу лаҳзаларда барчамиз ўтиб бораётган йил давомида бошимиздан кечирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган унутилмас воқеаларни, қувонч ва ташвишларни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказиб, шу кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз, ҳаётнинг қадр-қимматини ана бир бор англашимиз табиий, албатта.

Яқинга етаётган йилни кузатар эканмиз, бугунги шиддат билан тез ўзгараётган замонда, аввало, ён-атрофимизда юз бераётган нотинчлик ва беқарорлик, қарам-қаршилик туфайли вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, осуда ҳаётни сақлаш, жамиятимизда кучайиб бораётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжихатликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш нақадар муҳим эканини яна ва яна қалбимиздан, юрагимиздан ўтказамиз, десам, ўйлаيمانки, ҳақиқатни айтган бўламан.  
Азиз дўстларим, биродарларим!  
Биз 2010 йил мубайнида қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлмайлик, албатта уларни қийинчиликсиз, осонлик билан қўлга киритганимиз йўқ.  
Шу маънода, қайси соҳани олмайлик, бу қишлоқ ҳўжалиги бўладими, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар бўладими, ўтган йил давомида қанча-қанча машаққатли синов ва муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келганини таъкидлаш лозим. Лекин бошимиздан ўтказган бундай синов ва қийинчиликларга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамаддан, ўз ниҳоясига етаётган 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.  
Бунинг яққол тасдиғини аввало Ўзбекистонимизнинг дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодийнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиб келаётганида кўриш мумкин.  
Айниқса, яқунланаётган йилда галла, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик тармоқлари бўйича мамлакатимизда мўл ҳосил етиштирилгани, иқтисодийнинг ўсиш суръатлари 108,5 фоизни ташкил этиб, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоизга ошириб бажарилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.  
Энг муҳими, ўтган йилда аҳолининг реал даромадлари 23,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 32 фоизга кўпайгани халқимизнинг фаровонлиги ошиб бораётганидан далolat беради.  
2010 йил – Баркамол авлод йилида амалга оширган кенг қўлмали тадбирларимиз фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг замон талаб қилаётган даражада билим олиши, интеллектуал салоҳиятини ошириши, тажриба топиши ва ҳаётга ҳал қилувчи куч бўлиб кириб бориши, бир сўз билан айтганда, келажагимиз масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлиши йўлида янги бир қадам бўлди, десам, ўйлаيمانки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилсиз.  
Олдимизга қўйган эзгу мақсадларга етиш бўйича мамлакатимиз қандай оқсак натижаларга эришган бўлса, ҳеч шуб-

ҳасиз, миллати, тили, дини ва эътиқоди-дан қатъи назар, Ўзбекистонимизни ягона Батан деб, ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳар бир инсон – қайси соҳада, қайси вазифани бажармасин – бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини балан қўтариб юришга албатта ҳақлидир.  
Бугун мана шундай шуқуҳли айёмда захматкаш деҳқонларимиз, меҳнатчи ва зиёлиларимизга, олим ва шифокорлар, жонкуяр ўқитувчи ва мураббийларимизга, жасур ва мард ҳарбийларимизга – мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун меҳнати сингган барча-барча юртдошларимизга самимий ҳурматим ва чуқур миннатдорчилигини билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!  
Бугун эски йил билан хайрлашар эканмиз, барчамиз "Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили" деб ном олган янги – 2011 йилни кўт-баракали, омадли ва файзли, юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни юксак поғонага қўтаришда янги бир босқуч бўлади, деб катта орзу-умидлар билан қўтиб олишимиз табиийдир.  
Янги йилда иқтисодийтимизнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаган ҳолда, салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини узлуксиз юксалтиришга қаратилган сиёсатни давом эттириб, аҳолиимизнинг даромадларини ошириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини 25 фоиз кўпайтириш кўзда тутилмоқда.  
Шу борада соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва бошқа соҳаларга йўналтирилган маблағлар ҳажминини сезиларли даражада ошириб, давлат бюджети умумий харажатларининг қарийб 60 фоизини айнан ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ажратиб белгилангани эл-юртимизнинг байрам олди кайфиятини янада кўтаради, деб ўйлаيمان.  
Бундай режалар ҳаммамизнинг қувонтиради, албатта, лекин бу марраларни қўлга киритишнинг асосий шартлари ҳақида алоҳида айтиб ўтишни ўринли деб биламан.

Нафақат 2011 йилдаги, балки узоқ ва давомли орзу-ниятларимизни амалга оширишнинг яққо ягона шarti бу – жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб амалга ошираётган, узокни кўзлаган ислохотлар сиёсатини ҳеч иккиланмасдан, қатъият билан давом эттиришдан иборат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.  
Келгуси йилда мен барчамизнинг энг муҳим бурчимизни шу борада амалга ошираётган ишларимизнинг самарасини янада ошириш учун ҳар қайсимиз ўз жойимизда бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилишда деб биламан ва сиз азизларнинг барчангизни шунга даъват этаман.  
Азиз ватандошларим, кадрдонларим!  
Сизларни бағримга босиб, кириб келаётган янги – 2011 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлаيمان.  
Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман!  
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!  
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!  
**Ислом КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

### ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ, котибият ва бошқармалари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари иштирок этишди. Сессияни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

### ЯНАДА САМАРАЛИ БЎЛАДИ

Сессия вилоят маҳаллий бюджетнинг 2009 йилги ижроси яқунлари, 2010 йилда қўтилаётган ижроси ва маҳаллий бюджетнинг 2011 йилги лойиҳаси тўғрисидаги масала юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари Соҳиб Абдуллаевнинг маърузасини тинглади. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Анвар Бўриев сессияда қўшимча маъруза билан чиқди.  
Масалаларни муҳокама қилишда, шунингдек, 44-Ангрэн сайлов округи депутати Абдулла Юнусов маърузаси тингланди. Маърузачилар бюджетни тўдириш манбаларини оқилона ишга солиш, маблағларни сарфлаш интизомини мустаҳкамлаш, ижро устидан депутатлик назоратини кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратишди.  
Кун тартибидagi иккинчи масала бўйича вилоят ҳокими, халқ депу-

### Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХУДУДИДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1992 йил 1-сон 45-модда; 1993 йил 9-сон 329-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2000 йил 5-6-сон 153-модда), Вазиранлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2009 йил 15-сон 186-модда) талаблари асосида, вилоят ҳудудидаги бўш турган бино-иншоотлардан оқилона фойдаланиш, уларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш ҳамда қўтилаётган харажатлар билан қорхона ва ташкилотларнинг ижара тўловидан тушадиган даромадларни тартибга солиш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**  
1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий, Молия вазирилик ва Давлат мулки қўмитасининг 24.12.2010 й. 2-1-77-1403, 24.12.2010 й. СБ/08-01-32-14/606 ва 24.12.2010 й. 01/16-18/14-сон хатлари инобатга олинсин.  
2. Вилоят ҳудудида Давлат кўчмас мулкидан 2011 йил да-

(Давоми 2-бетда).

### ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

#### Беқобод тумани АРАФАДА

Далварзин қишлоғидаги «Янгибозор» маҳалласида чегара ҳудудларида осойишталикни таъминлаш мақсадларига қаратилган тадбир бўлиб ўтди.  
Унда туман ҳокимлиги вакиллари, ички ишлар органлари ходимлари, маҳалла раислари ва фаоллар иштирок этишди. Сўзга чиққанлар «Оғолик давр талаби» маърузида фикр-мулоҳаза юритдилар.

#### Зангиота тумани ИШЛАР ЯКУНИГА ЕТДИ

Туманда ниҳоллар парваришига эътибор ҳар қанчалик кучайган.  
"Наврўз", "Ғулום Маҳмуд барака", "Тош-Тўлабий агро", "Охунбоев агро" агрофирмаларининг ёрдами билан Мустақиллик, Туркистон, Назарбек ва Бўзсув ҳудудларида 2010 йил учун режаланган ободонлаштириш ишлари муваффақиятли яқунланди. Шунингдек, 14,3 километр масофадаги ғаллазорларнинг чеккалари четан билан ўралди.

#### Пискент тумани «НИҲОЛ» ИШ БОШЛАДИ

Ойбек номили маҳаллада "Ниҳол" ўқув курси иш бошлади. Унда 40 дан ортик қизлар ўзларни қизиққан йўналишларда ўқимокдалар.  
Матлуба Улмасова раҳбарлик қилаётган курсда ёшлар тўқувчилик, сартарошлиқ, тикувчилик, мунчоқ қандаш сирларини ўрганмоқдалар.



### БОЛАЖОНЛАР ШОДЛИГИГА НЕ ЕТСИН!

Бутун мамлакатдаги каби Тошкент вилоятида ҳам йили болажонлар катта қиз-қизи ва ҳаяжон билан қутадиган, кичкинтойларга олам-олам қувонч ва шодлик ҳадя этадиган анъанавий "Президент арчаси" тантаналари давом этмоқда.

Юртимиз, элимиз, миллатимиз – болажон. "Ҳамма яхши нарсалар – болаларга!" нақли шунчаки шир эмас, балки йил бўйи амал қиладиган беназир одатимиз. Аллоҳнинг назари тушган серкуёш ўлкамизда миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳар бир кичкинтойнинг эмин-эркин, яйраб ўсиб-ўлғайиши, ҳар томонлама камол топиши учун зарур барча шарт-шароит ва имкониятлар муҳайё қилинган. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоялаш бевосита Юртбошимиз раҳнамоллигида дав-



(Давоми 2-бетда).

### ЙИЛ САЛМОҒИ

### МАЗМУНЛИ, БАРАКАЛИ ВА ОМАДЛИ

Саккиз триллион сўмини тасаввур қиласизми? Агар шунча маблағнингиз бўлганда уни қай мақсад йўлида сарф этардингиз?  
Эски йил тугаб, янги йилнинг илк кунинда бундай савол қўйилаётгани сизга.  
Бу айтишгагина осон. Чунки, ҳамма ҳам эмас, балки келажак учун қайғурадиган, бола-меъдан бахтли бўлсин, деб яшайдиган миллатгина бундай жасоратга қодир бўла олади.

Биз кунини кечанга эски йил билан ана шундай улкан муваффақиятлар ила, ёруғ юзликда хайрлашдик. Бугундан янги орзу-умидлар айёми бошланди! Бинобарин, бундай паллаларда ортага бир назар солиб, қўлга киритилган ютуқлар, босиб ўтилган марраларни сарҳисоб қилиш ҳар қандай инсонга хушайфият, энг муҳими, янги зафар ва марралар сари ғайрат ва шижоат бахш этади. Кўнгил таскин

(Давоми 2-бетда).

Тошкент вилояти ҳокимининг  
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХУДУДИДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН  
ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

3. Давлат мулкни балансда сақловчи ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфиди бўлган давлат мулкидан самарали фойдаланишлари, фойдаланилмаётган давлат мулкни тўғрисидаги маълумотларни давлат бунёдкорлиги ижарага бериш марказига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши, давлат мулкни фақат марказ орқали ижарага беришни ташкиллаштирилиши учун шахсан жавоб берадилар.

4. Тошкент вилояти давлат мулкни ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонаси раҳбари (А. Ҳахимов)га:  
- давлат мулкни ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага

бериш, ижарага берилаётган мулклар ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобда олиш ва мониторингини олиб бориш, ижарага бериладиган мулклар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш ҳамда ижарага берилган мулкни ҳар чоракда хатловдан ўтказиш;  
- ижара объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек ижара тўловлари ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;  
- фойдаланилмаётган давлат мулкни ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулкни рўйхатини республика ва вилоят даврий нашрларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўми-

таси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида ҳар чоракда эълон қилиш;  
- вилоят ҳудудида ҳозирги кунда фойдаланилмаётган, бўш турган бино ва иншоотлар, асбоб-ускуналарни аниқлаб, самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектлариға белгиланган тартибда ижарага бериш;  
- нодавлат ҳўжалик юритувчи субъектларига ҳамда фуқароларга тегишли нотураржойлар ва бошқа турдаги мулкларни ижарага беришда ижара қонун ҳужжатлари юзасидан маслаҳатлар бериш, ижара шартномаларини расмийлаштириш ҳамда ҳисобга олиш ва

лағларни жалб қилиш мақсадида давлат ташкилотлари, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан мулклар, бино ва иншоотларнинг ижарага берилишида "Ижара маркази"нинг ҳудудий вакиллари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйинлар.  
6. Вилоят шаҳар ва туман ҳокимликларига, мазкур қарорнинг 3-иловасидан келиб чиқиб, мулкнинг жойлашган манзиллини инобатга олган ҳолда ўз ҳудудларидаги қўчалар бўйича ҳудудий зоналар коэффицентини белгилаш юктатилсин.  
7. Мазкур қарор 2011 йил 1 январдан бошлаб қўчга киритилиши белгилансин, қарор қабул қилинган кундан вилоят ҳокимининг 2010 йил 24 февралдаги 81-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.  
8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Абдуллаев зиммасига юктатилсин.

Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.  
Тошкент шаҳри, 2010 йил 31 декабрь.



БОЛАЖОНЛАР  
ШОДЛИГИГА НЕ ЕТСИН!

Шундан сўнг даврада севимли эртақ қаҳрамонлари, Қорбобо, Қорқиз иштирокида қизиқарли ўйинлар бошланди. Халқ эртақларидан саҳна кўринишлари намойиш этилди.  
- Бу тадбирда биринчи марта қатнашадиган, дейди Оққўрғон тумани 78-маҳсулус интернат тарбияланувчиси Мадина Аҳмедова. - Менга жуда ёқди. Шу тантанادا иштирок этаётганимдан бахтиёрман.  
Чирчиқдаги 34-болалар богчасининг "Муъжиза", 7-музыка ва санъат мактабининг "Шодиена", Зангиота Маданият уйининг "Сарвиноз" гуруҳлари, Янгийўл маданият ва спорт ишлари бўлимининг "Калдирғоч" халқ анъанавий цирк жамоасининг чиқишлари

ПИРОТЕХНИКАДАН  
ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

ЛАҲЗАЛИК ҚУВОНЧНИНГ  
ТАШВИШЛАРИ

Пиротехника буюмлари муомаласини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида жойларда тушунтириш ишлари олиб борилаётганда. Чегара ҳудудларида, бозор ва савдо шаҳобчаларида, кўнгли очар маскан ва ўқув муассасаларида рейдлар ҳамда тезкор қидирув тадбирлари ўтказилиб, пиротехника воситаларини топиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилмоқда.  
Тадбир давомида Янгийўл туманида яшовчи вояга етмаган С. Собирда ҳам 83 дона "Магма" русумли пиротехника борлиги аниқланди.  
Бундай воситалар бозорга эркин кириб келишининг олдини олиш фақатгина ички ишлар идоралари ходимларининг иши бўлмай, кенг жамоатчилик ҳам улар билан бирга қурашмоғи лозим. Бунда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан биргаликда маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилаётган тарғиб-ташвиш ишлари муҳим аҳамиятга эга.  
Халқимизда "Ҳўйиндан ўт чиқади" деган гап бор. Ўт билан уйнаш нақадар аянчли эканини билмайдиган инсон бўлмаса керак. Шундай экан, байрамлари кўнглини кайфиятда, шоду хуррамлик билан қарши олайлик. Ўз ҳаётимиз ва соғлигимиз учун ўзимиз ортқича ташвиш орттирмайлик.  
Хуршид РЎЗИЕВ,  
вилоят ИИБ ходими.

ЙИЛ САЛМОҒИ  
МАЗМУНЛИ,  
БАРАКАЛИ ВА ОМАДЛИ

Негаки, поёнига етган йилмиз чиндан ҳам қўли, баракотли якуланди. Дехқону соҳибкорларимиз хирмонидан масрур бўлди, бунёдкорларимизнинг азму шижоати нафақат шаҳарларимиз, балки кишлокларимиз қиёфасига қўрқ бағишлади. Кишлоқлардаги ўнлаб оилалар янги йилни замонавий лойиҳа асосида қурилган қўрқам уйларида кутиб олдилар. Ўнлаб ҳудудларда аҳолига турфа қўлайликлар яратувчи маиший, савдо мажмуалари фойдаланишга топширилди.  
Паркентлик фермер Дилшод Абдуллаев ҳўжалигининг 500 миллион сўмлик маблағи ҳисобидан кишлок болалари учун қўриб, фойдаланишга топширган замонавий спорт комплексини айтасизми, Янгийўл шаҳрида 732 миллион сўм эвазига мукамил таъмирланиб, рисоладагидек шарафларга эга бўлган болалар мусиқа ва санъат мактабини, Бекобод шаҳрида бунёд этилган ёпиқ сувизи ҳавзасини ёки касб-хўнар коллежларини олсизми, буларнинг бари вилоятимиз ахрига, ҳўсусан, келажакимиз давомчиларига Баркамол авлод йили тўғралари бўлиб, йиллар оша хизмат қилади.  
- Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, - дейди вилоят ҳўқимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Анвар Абдуқодиров. - 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан қурилган чора-тадбирлар натижасида вилоятда ўтган йилда 82,5 млрд сўмлик ҳамда 45,2 млн. АҚШ долларни миқдорда инвестициялар ўнлаштирилиши эвазига 140 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, шу жумладан, корхоналарни техник жиҳатдан янгилаш ва модернизация қилиш бўйича 33 та лойиҳа амалга оширилди. Дастлабки тахлиллар 2010 йилнинг 11 ойидаёқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,8 трл. сўмга етиб, ўсиш суръати 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 108,7 фоизни ташкил этганини кўрсатмоқда.  
Дарҳақиқат, бунинг тасдиғини 33 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ҳисобига иш бошлаган "Бекободцемент" акциядорлик

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг  
Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси жамоаси  
барча юртдошларимизни, ҳўсусан, соҳа ходимларини  
**Янги - 2011 йил**  
билан самимий муборакбод этади.  
Янги йил билан бирга ҳар бир хонадонга бахт-саодат, файз-барака, тинчлик-хотиржамлик кириб борсин!  
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

ОГОҲЛИК

**СЕРГАК ДИЛГА  
ҒУБОР ҚЎНМАС**  
Ўзбекистон халқи ўзининг салкам 20 йиллик солномаси даврига дадил қадам қўймоқда. Халқимизнинг тарихдан қисқа даврда эришган ютуқлари, юртимизда тинчликнинг барқарорлиги ва Ўзбекистоннинг дунё давлатлари орасида кун сайин нуфузи ошиб бораётганлигида мустақкам дастуриламал бўлмоқда. Бу эса юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбиди гурур ва ифтихор туйғусини ўйғотади.  
Аммо юртимиздаги ана шундай истиқболни, тинчликни кўра олмайдиганлар ҳам борлиги барчамизни огоҳликка ундайди. Жамиятимизда учраб турган миллатимизга, қадриятларимизга ёт бўлган жиноятчилик, диний ақидапарастлик, одам савдоси, сиёсийлик каби ҳаракатларга кенг жамоатчилик биргаликда муросасиз кураш олиб боришимиз, бу болада ёшларимизнинг ҳам фаол иштирокини таъминлашга эришимиз зарур. Бугунги ёшларимиз таъкидлаганидек, маънавий етуқ, соғлом, мустақил фикрига эга, келажакка аниқ мақсад билан теран қаровчи, ватанпарвар бўлишлари шарт.  
Зеро, улар ўз аждодларига содиқ бўлишлари, бу йўлда ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтишлари зарур.  
Бугун ҳар биримизнинг қалбимиз истиқлол, тинчлик гоёсин билан тўлиқ бўлиб, ёт гоёларга қарши туршиқ олимизми ва бу йўлда тўлиқ мақсадга эри-

Республика қўп тармоқли Агрисаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!  
Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳудудий СИБ томонидан ИП МЧЖ "TEXTILE IMPREX" корхонасига қарашли Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, М. Уйғур кўчаси, 103-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 25.05.2010 йилдаги №10-09-05/4590-сон ижро ҳўжжатиға асосан 1988 йилда и/чик., дав.бел. М 6885 бўлган "ИЖ-271501101" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи - 1 652 550 сўм. 2. 25.05.2010 йилдаги №10-09-05/4590-сон ижро ҳўжжатиға асосан 2004 йилда и/чик., дав.бел. М 0070 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи - 8 464 000 сўм. 3. 25.05.2010 йилдаги №10-09-05/4590-сон ижро ҳўжжатиға асосан 2004 йилда и/чик., дав.бел. М 5746 бўлган "Ваз-2107404502" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи - 9 095 100 сўм.  
Аукцион савдолари 2011 йилнинг 3 феврал куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридиғи автотранспорт воситаларининг тақрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 24 февраль куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.  
2011 йил 20 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган тақрорий очик аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Охангарон тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Охангарон қурилиш материал савдо шўъба корхонасиди Аукцион савдосига М. Улуғбек тумани СИБ томонидан 1. Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани Оққўрғон кўчасиди жойлашган тўрт қаватли бионинг тўртинчи қаватидаги майдони 43,05 кв. бўлган 1 та яшаш хонасидан иборат бўлган 26-уй, 54-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи - 34 470 000 сўм., 2. Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани, Черданцева кўчаси, 1-уйда жойлашган беш қаватли бионинг бешинчи қаватида жойлашган 3 та яшаш хонасидан иборат бўлган 2-уй, 29-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи - 108 776 643 сўм.  
Ушбу савдоларда қатнашувчи учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақами-

«КАМОЛОТ» ДАН  
ТУҲҒА  
Бўча туманида яшовчи имконияти чекланган ёшларни маъна қўллаб-қўвватлаш, ўқувчиларни қишки таътил кунларини мазмунли ўтказиш ва Янги йил билан қўшлаш мақсадида Қўштепа кишлогиди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими кенгаши томонидан "Камолот" дан Янги йил лойиҳаси ташкил этилди.  
Ушбу лойиҳа доирасиди "Ҳар доим "Камолот" билан!", "Камолотдан туҳфа", "Кўчма арча", "Камолот" фаоллари учун Янги йил табриғи", касб-хўнар коллежи ёшлари ва мактаб ўқувчилари учун "Янги йилми - яхши йилми" каби тадбирлар ўтказилмоқда.  
Шотурсун ТУРҒУНОВ.

# «АНГРЕН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛИШ» шўъба корхонаси жамоаси

## Янги – 2011 йил

**билан барча  
ватандошларимизни  
самимий қутлайди!**

**Кичик бизнес ва  
хусусий тадбиркорлик  
йилида хонадонларимиздан  
қут-барака, файзу  
тароват аримасин!**

**Ушбу йилда  
дастурхонларимиз  
янада тўкин, ҳаётимиз  
фаровон бўлсин,  
азиз юртдошлар!**



**УДУМЛАР  
ҲАҚИДА ЭНГ  
ҚИЗИҒИ**

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, арчаларни ясашиш дастлаб Францияда урф бўлган. Арчага рангли қоғозлардан турли гуллар, хайвонлар ясаб илишган. Кейинчалик бу одат Германияга ҳам ёйилган.

1516 йилда кировл Генрих VIII даврида Англияда олтинлар билан безатилган арча оммага тақдим қилинган. Шу-шу инглизлар Янги йил оқшоми учун арчани қимматбахо ўйинчоқлар билан бойитишга интиладилар.

1794 йилда машҳур инглиз рассоми Добсон қоғозга киш манзараси, арча атрофида йиғилган бахтли оила тасвирини чизади ва бу қоғозни дўстига совға қилади. Буни қарангки, унинг бу иши одамлар орасида Янги йил табрикномалари оммалашшига сабаб бўлди.

Янги йил айнан қишда бўлади, дейдилар арчалар адашдилар. Чунки Бирма ва Таиландда байрам аини жазирама кунларга тўғри келади. Шундан бўлса керак, ушбу давлат халқлари Янги йилда бир-бирларига сув сепадилар.

Швейцарияда байрам бутунлай бошқача нишонланади. Улар Янги йилда кўшилларнинг эшиги олдида турли идишларни синдирадилар.

Ҳиндлар Янги йилни тунги соат 12 да эмас, балки тонгда куёш уфқда бош кўтариши билан қаршилайдилар. Шундагина кириб келган йил учун ёрқин хотираларга бой бўлар экан.

Италянлар Янги йил арафасида барча эски-туски нарсаларини ташлаб юборадилар. Бу уларга Янги йилда бахт келтирармиш.

Янги йил таомлари ичига турли тақинчоқлар солинишини эшитганимиз? Руминияда шундай қилишади. Айтишларича, қимнинг ширинлигидан узук чиқса, Янги йил уларга унутилмас қувончли онлар ва катта омад олиб келар экан.

Америка Кўшма Штатларининг ўн тўртинчи президенти Франклин Пирс Янги йил байрамини Оқ уйда нишонлашни жорий этди. Ундан сўнг президент Калвин Кулиж ҳам 1923 йилда Янги йилни Оқ уйда безанган арча атрофида қарши олди.

Бирлашган Араб Амирликларида дунёдаги энг қиммат арча ясалди. У Абу-Даби шаҳридаги "Emerates Palace" меҳмонхонасида жойлашган бўлиб, узунлиги 13 метр. Қизиғи шундаки, бу арчанинг ўйинчоқлари 11 миллион АҚШ доллари миқдоридаги олмос, дур, олтин, зумрад каби 181 та қимматбахо тошлардан ясалган. Арча дарактининг ўзи 10 минг АҚШ долларига харид қилинган. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ушбу арча Гиннес рекордлари китобидан ўрин эгаллаши мумкин.

2002 йилда Токиода қад ростлаган арча Гиннес рекордлари китобига киритилган. Унга 10,8 миллион АҚШ доллари қийматидаги ўйинчоқлар ошилган.



**2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

январь							февраль							март							апрель							май							июнь												
д	с	ч	п	ж	ш	я	д	с	ч	п	ж	ш	я	д	с	ч	п	ж	ш	я	д	с	ч	п	ж	ш	я	д	с	ч	п	ж	ш	я	д	с	ч	п	ж	ш	я						
					1	2																																									
3	4	5	6	7	8	9	7	8	9	10	11	12	13	7	8	9	10	11	12	13	4	5	6	7	8	9	10	2	3	4	5	6	7	8	6	7	8	9	10	11	12						
10	11	12	13	14	15	16	14	15	16	17	18	19	20	14	15	16	17	18	19	20	11	12	13	14	15	16	17	9	10	11	12	13	14	15	13	14	15	16	17	18	19						
17	18	19	20	21	22	23	21	22	23	24	25	26	27	21	22	23	24	25	26	27	18	19	20	21	22	23	24	16	17	18	19	20	21	22	20	21	22	23	24	25	26						
24	25	26	27	28	29	30	28						28	29	30	31				25	26	27	28	29	30		%	%	25	26	27	28	29	27	28	29	30										

**БАЙРАМ КУНЛАРИ**

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги кунлар байрам (дам олиш кун) деб белгиланган:**
- 1 январь – Янги йил
  - 8 март – Халқаро хотин-қизлар кун
  - 21 март – Наврўз байрами
  - 9 май – Хотира ва қадрлаш кун
  - 1 сентябрь – Мустақиллик кун
  - 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар кун
  - 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун
  - Рамазон ҳайитининг биринчи кун
  - Қурбон ҳайитининг биринчи кун

**БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ**

Дунёда қанча одам бўлса, шунча феъл-атвор бор деймиш. Табиатишамиз ҳам турлича. Саа нарсага лов этиб, туюқиб кетамиз. Ва, аксишча, дунёни сел ола, тўпиримизга чиқмайди. Атрофимизга юз берадиган воқеа-ҳодисаларга, табиат ўзгаришларига муносабатларимиз ҳам феълимизга яраша. Боқибеман кишилар ўзгаларга нисбатан кўпроқ ҳомуза тортишади, уйқичилар қеришадилар, табиатдаги озгина ўзгаришни ҳам дарҳол сезадиганлар қайта-қайта акса уришади. Ҳар ҳолда бизнинг тасаввуримизда шундай. Тиббиётчи олимлар бу ноодатий ҳолатларни илҳидан-илҳасигага ўрганиб, яқуний "ташҳис қўйишган".

Хўш, уларнинг фикрича,

**БИЗ НЕГА...**

**... ЭСНАЙМИЗ?**

Баъзан, бирор ташқи таъсирлар натижасида одам танасида анча кўп қорбонат ангидрид гази тўпланиб қолади. Шунда бехайтир озғимизни катта очиб, чуқур нафас оламиз ва бу билан томирларимизда тинимсиз оқётган қонимизни кислородга тўйинтирамиз. Шу боис яхшилаб ҳомуза тортган киши ўзини янада тетик ҳис этади.

Демак, бу ноодатий ҳолатнинг турганбитгани одам учун фойда. Аммо, ҳомуза тортишда одоб, умуман, маданият доирасидан чиқиб кетилмаса бўлгани.

**... КЕРИШМАМИЗ?**

Одам бир жойда узок ўтириб қолганда ёки уйқудан уйғонганда, унинг танаси "энди ҳаракатланиш ҳам керак" деган мазмунда сигнал қабул қилади. Бу пайтгача мушаклар бўшаган, улардаги капилляр қон томирлари эса хотиржам ҳолатда ёпиқ бўлади.

Керишилган пайтда капиллярлар очилади, қонга ва "қуч"га тўлади. Энг муҳими, бу жараён бош миёдаги роҳат маркази билан боғланган бўлади. Шу сабабли биз керишганимизда жуда роҳатланамиз. Аммо, бу ҳолларда ҳам одоб меъерини унутмаслик лозим.

**... АКСА УРАМИЗ?**

Бу ҳолат бурнимиздаги шиллиқ парданинг нерв тизими учлари қичиши билан боғлиқ. Буни бурнимизга кириб қолган аллергия кўзғовчи моддалар, чанг ва турли ҳидлар кўзғатади. Шунда танамиз бу "чақирилмаган меҳмон"лардан тез ва бирийўла қутулишга ҳаракат қилади. Табиий йўсида чуқур нафас олиш, ва кетидан кескин нафас чиқариш юз беради. Жўн қилиб айтганда, биз акса уриб юборамиз. Натижада ўша кераксиз нарсаларнинг ҳаммаси бурун бўшлиғидан чиқиб кетиб, энгил тортамиш.

Акса ўрганишида бурнимиздан чиқадиган ҳавонинг тэзлиги соатига 150 километрга етиб, бир йўла 100 минг микробдан ҳалос бўламиш. Демак, акса уришда атрофимиздагиларни ҳам ўйлашимиз, яъни эҳтиёт чораларига ҳам эътибор беришимиз зарур.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

**АЙЁМ ҲАЗИЛИ**



Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 25.01.2010 йилда гувоҳнома рақами № 05-08686 билан рўйхатга олинган (ИНН 44552430) яқка тартибдаги тадбиркор Салимджанов Басиджан Каблиовига тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳамза тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2010 йил 9 сентябрда № 002968-07-сонли реестр рақам билан рўйхатга олинган Ҳамза тумани, Строительная кўчаси, 40-уй, 78-хонадон манзилида жойлашган "BEST BELL" хусусий корхонаси (СТИР 301696605)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги 2010 йил 28 декабрдаги 2-сонли қарор.

Кредитор ва дебиторлар даъволари бир ой муддатда 795-68-81 телефон орқали қабул қилинади.

Утеранный план квартиры по адресу: г. Ташкент, Мирабадский р-н, м-в Куйлюк-4, д. 49 кв. 40, выданный на имя Куранбаевой Шапоат Фахритдиновны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган "BESH PANJA" масъулияти чекланган жамиятини "UMAR TOXIR" масъулияти чекланган жамиятига биришиб кетишини маълум қилади.

Общество с ограниченной ответственностью "CHORS GOLD" (ИНН 301318424) гувоҳнома № 003564-09 от 15.09.2009г., зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантаурского района г. Ташкента, расположенное по адресу: базар "Эски Жуба", магазин "CHORSU GOLD", ЛКВИДИРУЕТСЯ (Решение собрания № 1 от 22.12.2010г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления о ликвидации по тел.: 538-00-02.

**«ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАН  
ГАЗ ФИЛИАЛИ»**

Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва бағрикенг халқини янги

**2011 йил –**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

билан самимий муборакбод этади!

Янги йилда сиз азизларга мустақкам соғлиқ, оилангизга бахт-саодат, хонадонингизга шоду хуррамлик, дастурхонингизга қут-барака тилайди.

<p><b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b> <b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b></p> <p>Муассис: <b>Тошкент вилояти ҳокимлиги</b></p>	<p><b>Бош муҳаррир</b> <b>Убайдулла</b> <b>АБДУШОҲИДОВ</b></p>	<p>Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.</p> <p>Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.</p>	<p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир <b>Жўра САБДУЛЛАЕВ</b></p> <p>Навбатчи <b>Ирода НОРБОЕВА</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Тоҳир МАҲМУДУЛҲУЖАЕВ</b></p>
---	--	--	--	---	--

Белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 17.00. 1234